



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 193 (9.996)

2003 ЙИЛ 2 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА сатрларда

● **МАРКАЗИЙ** зобитлар уйда ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишлаб ўтказилган тадбирда Юнусобод туманидаги мактаблар, ўрта махсус касбхунар таълими ҳамда олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари иштирок этишди.

● **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари ва педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида уюштирилган ўқув-семинари «Таълим жараёнини малакали бошқариш» деб номланди.

● **ШАХРИМИЗДА** ёш авлодга пухта билим бериш мақсадида иқтидорли ёшлар томонидан тайёрланган Вайт Маоф лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **САЪДУЛЛА** Исмаилов номи 141-мактабда мазкур илм маскани ташкил этилганлигининг 50 йиллиги кенг нишонланди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида 11 ёшли иқтидорли ёш рассом Дибора Хасанованинг «Эркин қуш парвози» мавзусидаги шахсий асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Шахримиздаги «Акома» хусусий фирмасида айни кунларда 100 турдан зиёд мавсумбоп кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Бу борада кўли гул чеварлар муносиб улуш қўшишмоқда.

**СУРАТДА:** тикувчилар Гулбахор Хайдарова ва Наргиза Абдуллаева сифатга алоҳида эътибор қаратишади.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



## АМЕРИКАЛИК ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

2003 йил 30 сентябрь кунини ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Америка Қўшма Штатларининг Федерал судьялари Кусто Арена ва Жон Танхейм ҳамда АҚШ Адлия департаменти ва Давлат департаменти вакиллари тарқибдаги делегация аъзолари қабул қилинди.

Делегациянинг ташрифи ва мазкур учрашув АҚШ Адлия департаменти қошидаги Бошқа мамлакатларда прокуратура тизимини ривожлантириш, уларга кўмаклашиш ва ўқитиш бошқармаси ҳамда АҚШ Давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқи ва меҳнат масалалари бўйича бюросининг Одил судлов соҳасида давлатларимиз орасидаги икки томонлама алмашув дастури доирасида ўтказилди. Ушбу дастур аме-

рикаликлар томонидан тақлиф этилган бўлиб, ҳуқуқатимиз томонидан қўллаб-қувватланган. Мазкур дастур доирасида биргаликда семинарлар, конференциялар ҳамда ўқув ташрифларини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ўзбекистонлик ва Америка Қўшма Штатлари судья ва прокурорлари ҳамда ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли вакиллари асосан унинг иштирокчилари бўладилар.

Конституциявий суд Раиси Бўритош Мустафоев делегация аъзоларига ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил этилиши, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, мустақил юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлардаги иштироки ҳамда инсон

ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрни тўғрисида сўзлаб берди. АҚШ делегацияси аъзолари сўхбат давомида Америка Қўшма Штатлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари тизимининг қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисида атрафлича гапириб бердилар.

Учрашувда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди, жумладан икки томонлама алмашув дастурини амалга ошириш, биргаликда ўтказилиши режалаштирилаётган семинарларнинг мавзулари, ўқув ташрифларини ҳамда АҚШ ва ўзбекистонда ўтказилажак конференцияларни ташкил этишга оид масалаларга алоҳида ургу берилди.

## ХҲИ сақоси

Барча маъблардан олгинга сўғитга хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Ислам Каримов Оксарида Ислам тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Алини қабул қилди. Учрашувда мазкур банк билан ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, биргаликда янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

● **Ўзбекистон** ва Ислам тараққиёт банкига аъзо мамлакатлар ишбилармон доиралари ўртасида музокаралар билан Тошкентда Ислам тараққиёт банки Инвестицион конференцияси низоҳасига етди.

● **Тошкент** молия институтида ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, академик Мурод Шарифўжаевнинг «Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши», «Ўзбекистон — Конституциявий давлат» ва «Позиция, понятаий всем» китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **Бугун** Республикаимиз пойтахтида «Биеннале-2003» II Тошкент Халқаро бадиий кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмада жаҳоннинг 20 дан ортик мамлакатидан келган машҳур расмолар асарлари намойиш этилмоқда.

● **Избоскан** туманидаги А.Тиллабоев номи ширкат ҳўжалиги пахтакорлари қабул пунктларига 2574 тонна пахта етказиб бериб, йиллиқ шартномавий режани ошириб бажардилар.

● **Навбахор** туманидаги Охунбоев номи ширкат ҳўжалиги ҳудудида ҳар мавсумда 30 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлган завод қурилишига киришилди.

## «ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ»

кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармаси она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган хурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улуг, энг азий» Республика кўрик-танлови барча ижодкорларни тақлиф этади.

**Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда куйидаги мавзу ва йўналишлар ўз аксини топиши лозим:**

- Мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг таққини Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар
- Миллий истиклол ғоисининг шаклланиши
- Она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат
- Миллий гурур, азалий ва умумбаشارий қадриятлар
- Кишилар онгида, руҳиятида ва қалбида кузатилаётган хурлик ўзгаришлари
- Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз кийфаси
- Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил оидимлари
- Буюк истиклол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий незматлар қўла-ми.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади.

**Танлов ғолибларини қимматбахо совринлар кутмоқда.**

Ижодий ишлар икки нухсада 2004 йилнинг 1 августига қадар куйидаги манзилга юборилиши лозим: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси «Энг улуг, энг азий» Республика кўрик-танлови ҳайъатига

Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87

## «ТОШКЕНТ ОПЕН-2003»

### ПОЙТАХТДА ЯНА ТЕННИС ЮДУЗЛАРИ БЕЛЛАШАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 4-12 октябрь кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган аёллар ўртасидаги «Тошкент опен» турнирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда теннис ривожланиши тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган воқеанинг шоҳиди бўлгандик. Тошкентда иккинчи маротаба Осиё чемпионатининг ўтказилиши туфайли пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонлари 18 та давлатдан ташриф буюрган 50 дан зиёд теннис усталарининг қизиқарли ва муросасиз беллашувларга бой ўйинларини кўришга муваффақ бўлдилар.

Давоми 3-бетда.

## Жаҳонда

● **Москвада** иқлимнинг глобал ўзгаришига бағишланган бутунжаҳон конференцияси бошланди. Унинг ишида дунёнинг 80 мамлакатидан ташриф буюрган 2 мингдан ортироқ олимлар иштирок этмоқда.

● **Пекинда** терроризмга қарши кураш масалалари бўйича ташкил этилган семинар ўз ишини якунлади. Осиё-Европа конференциясининг 25 та мамлакатлари қатнашган анжуманда терроризмга қарши курашда бутун мамлакатлар кучларини бирлаштиришда БМТ муҳим роль ўйнаши лозимлиги таъкидланувчи ҳужжат қабул қилинди.

● **Махмуд** Аббосдан кейин Фалястин бош вазири лавозимига тайинланган Аҳмад Пури ҳуқуқматни шакллантириш ҳаракатларини амалга оширмоқда.

● **Чеченстонда** вақтинча Президент вазифасини бажариб турган Анатолий Попов ҳаётига суқасд уюштирилди. У номаълум кишилар томонидан захарлангангили сабабли шифохонага ётқизилди.

**Иқтисодиёт**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА**

Пойтахтимизда шундай корхоналар мавжудки, уларда ишлаб чиқарилган махсулотлар нафақат шаҳар ёки республикада, балки Марказий Осийёда ҳам ягона ҳисобланади.

«SUVMASH» очиқ акционерлик жамиятининг малакали ишчи-хизматчилари ишлаб чиқараётган насослар ўзининг сифати, қўллашда соддалиги, қулайлиги ва эътиборли томони, Марказий Осийё минтақаси иқлимга мослаштирилганлиги билан алоҳида дажрали туради. Масалан, марказлаштирилган узаткичларга мўлжалланган горизонтал «Д» турдаги 12 хилдаги насослар, консал насосларнинг 6 хили ҳам «К» турдаги ва жуда пастда—чуқурликларда фойдаланиладиган «ЭЦВ» турдагилардан 12 хил кўп йиллар давомида мижозлар ишончларини оқламакда.

Бундан ташқари корхонада замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қуввати 3000 кВт бўлган электр двигателлар, СНП, А 50ГО, А 40 ГЦ насос станциялари, «Д» турдаги горизонтал насослар буюртмачилар талабларига биноан сифатли капитал таъмирдан чиқарилади.

Барча ишларни жамият аъзолари цехларга ўрнатилган замонавий технологиялар шарофати билан амалга оширмакдалар. Замон билан ҳамнафас бўлган корхона тадбиркорлари бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиққан ҳолда иш юритишмоқда.

**КЎРКАМ, СИФАТЛИ, ЧИДАМЛИ...**

Курилиш бошлашдан аввал, унга ишлатиладиган материаллар ҳақида айнакча уларнинг сифати, кўркамлиги, чидамлилиги ва албатта нархларига аҳамият қаратамиз.

Шаҳримиздаги «SU CO LD» масулияти чекланган жамиятининг ишчи-хизматчилари томонидан юртимизда оммалашган замонавий қурилиш материаллари — бетон черепицалар ишлаб чиқарилмоқда. Куни кеча жамият аъзолари 1000 квадрат метрли черепицаларни буюртмачиларга етказиб бердилар.

Мазкур корхонанинг ғайрат-шижоатли жамоаси йил бошидан бери 50 миллион сўмлик бетон черепицаларни ўз эгаларига топширишди. Бу қурилиш махсулотлари мижозларнинг хоҳиш истакларига қараб ҳар хил ўлчамларда тайёрланади ва улар жуда чиройли ранглардадир.

Эътиборли томони, бетон черепицалар об-ҳаво ўзгаришларига чидамли ва узок йиллар ўз қўринишини сақлаб қолади.

Корхона тадбиркорлари доимо изланишда. Улар шу кунларда катта буюртмаларга шартнома тузмокдалар. Режалар аниқ бўлгач, ишни ҳам шунга қараб белгилаш зарурлигини яхши тушушган ишчилар шунга яраша ғайрат кўрсатмокдалар.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МАРКАЗИ**

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий Бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув маркази очилди.

— Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида ва ҳукуматимизнинг хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор бериши натижасида вужудга келадиган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этишда, ҳўжалик юритувчи иқтисодий субъектлар фаолиятида корпоратив бошқариш усуллари жуда муҳим аҳамиятга эга, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ректори Алишер Азизхўжаев. — Мустақилликнинг давлат кўнариданок мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг бошлаб юборилганлиги мамлакатда турли мулк шаклларидаги иқтисодиётни яратилишига асосий омил бўлиб хизмат қилди. Ушбу жараёнда ҳўжалик юритишнинг корпоратив бошқариш усулига асосланган корхона ва ташкилотлар асосий ўрин эгаллайди. Мамлакат иқтисодиётидаги мавжуд фондларнинг асосий улуши корпоратив ташкилотлар зиммасига тўғри келади. Шу сабабли ҳам иқтисодиётнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари бўлган меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқарилган товарларнинг сифати, ўзаро рақобатнинг ривожланиши, замонавий илмий-техника ривожланиши жараёнининг ва ижтимоий соҳанинг истиқболи, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши корпоратив ташкилотлар томонидан жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмига боғлиқдир.

А. Азизхўжаевнинг таъкидлашича, хорижий инвестицияларни жалб қилишда корпоратив бошқариш механизмининг кенг қамровлилиги, менежерлар ва таровчи

мутахассисларнинг иқтисодий ўзгаришларга тез кўникма ҳосил қилиши, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ва ишлаб чиқаришни доимий равишда янгилаш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаштириш қаратилган иқтисодий ислохотларнинг стратегик вазибаларини амалга ошириш жўраб ишловчи инвесторлар томонидан қўйилаётган асосий талаблар ҳисобланади. Ўзбекистон Президентининг 2003 йил 23 январидаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ва аҳамиятини кескин ошириш чора-тадбирлари» ҳақидаги Фармонида биноан Вазирлар Маҳкамаси «Корпоратив бошқарув маркази» ташкил қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

— Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошидаги Олий Бизнес мактабининг Корпоратив маркази жўри йилнинг сентябр ойидан ўз ишини бошлади. Марказда акциядорлар, кузатув кенгашлари ва тафтиш комиссиялари аъзолари, акциядорлик жамиятларининг бошқарув ва ижроия идоралари раҳбар ходимлари, бошқарувчи компаниялар ходимлари, давлатнинг ишончли вакиллари қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилади. Курслардаги ўқув дастурлари корпоратив бошқаруving илгор усуллари, корпоратив корхоналарнинг иқтисодий бозордаги ҳўқуқ ва мажбуриятлари, менежер ва маркетингнинг замонавий усуллари, молиявий таҳлилнинг асослари, бизнес режаларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, корпоратив корхоналарнинг қимматли қозғолар бозорига қатнашувини жадаллаштириш йўллари, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва

бошқа шу каби долзарб мавзуларни ўз ичига олган.

— Ўқув соатларининг асосий қисми ҳўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив бошқариш масаласида дўч келадиган муаммоларни маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг замонавий ўқув қўлнамаларидан фойдаланган ҳолда бевоасита тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазалари асосида амалий машгулотларни ўтказиш учун ажратилади. Дарсларни республикаимизнинг бирик иқтисодчи олимлари, мутахассислари ва хориждан тақлиф этилган профессорлар ўтади. Марказ 150 нафар тингловчига мўлжалланган бўлиб, ҳозирда ўқув, ўқитиш маркетинги, услубий, консалтинг ва ноширлик фаолияти бўлимларида 80 нафар талаба таҳсил олмакда, — дея сўзида давом этди А. Азизхўжаев. — Қисқа ва ўрта муддатли ўқув курсларидан ташқари Корпоратив бошқарув маркази мазкур тизимга қизиқувчи шахслар билан масофадан туриб ўқитиш орқали доимий равишда уларнинг мутахассислиги бўйича иқтисодий билимларини ошириб боради. Шунингдек, корпоратив бошқарув тизимида юз бераётган иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда яратилган ўқув услубий қўлнамалар билан ҳам таъминлайди. Ҳўжалик юритишда мавжуд бўлган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ мақсад ва вазибаларни ишлаб чиқишда яқиндан амалий ёрдам беради. Тингловчилар марказга ҳўжалик субъектларининг буюртмалари ҳамда давлат улушига эга бўлган корхоналар учун Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари котибати яқин йўлнамалари бўйича қабул қилинади. Ҳўжалик муваффақиятли тузатган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади, — деди сўзининг якунида А. Азизхўжаев.

А.А.ФАҲҲОЖЕВ  
«Туркистон-пресс»

**ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА**

Ўрта махсус касб-хўнара таълими тизимини янада ривожлантиришда тараққий этган мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бермокда. Яқинда юртимиздаги академик лицей ва касб-хўнара коллежлари ўқитувчиларидан бир гуруҳи Буюк Британия сафарига бўлгани бунинг яна бир далилидир.

Пойтахтимизда ўтган ўрта махсус касб-хўнара таълиминини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро семинарда шу ҳақда гапирилди. Унда касб-хўнара коллежлари, академик лицейлар, нодавлат ва ношхорат ташкилотлар вакиллари ҳамда буюк британиялик соҳа ходимлари иштирок этди.

Британия кенгаши мамлакатимизда турли жаҳалларда ўз лойиҳалари билан иштирок этиб келмокда. Таълим, тиббиёт, телекоммуникация ва бошқа ижтимоий соҳалар бўйича олиб борилган ўзаро алоқалар яхши натижа бераптир.

Жўрий йилда Британия кенгаши таълим соҳасига салмокчи инвестиция киритишни режалаштирган. Ақратилидиган маблағ ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш ва меҳнат бозори мониторингини шакллантиришга йўналтирилади.

Семинарда Британия кенгаши томонидан тақдим этилаётган ўрта махсус касб-хўнара таълимининг ривожлантиришга қаратилган лойиҳани мамлакатимиз таълим тизимида босқичма-босқич амалга ошириш йўллари ҳусусида фикрлашилди.

ЎЗА

Республикамиз мустақилликка эришгач, иқтисодиётимизда бозор муносабатларининг ривожланиши тракторсозлар олдига ҳам янги вазибаларни қўйди. Илгор замонавий технологиянинг барча талабларига жавоб берувчи трактор ва тиркамалар яратиб, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари талабини қондириш ана шу вазибалардандир. Корхонада ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши боис босқичма-босқич ишлаб чиқилган дастур амалга оширилмокда.

Кейинги йилларда корхона мутахассислари мамлакат агросаноати маҳмуиси учун янги моделдаги замонавий, юқори қувватга эга бўлган тракторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. «ТТЗ-60», «ТТЗ-80» ва «ТТЗ-100» — икки моделда чиқариладиган 3 гилдиракли пахтачилик ва 4 гилдиракли универсал чопиқ тракторлари шулар жумласидандир. Ўтган йилдан бошлаб жамоада Хитой Халқ Республикасидан келтирилган бутловчи қисмлар асосида кичик тракторларни йиғиш йўлга қўйилди. Шунингдек, кичик тракторларга қўшимча ускуналар, яъни энгил ишларни бажариш учун бульдозерлар, сихмола, маҳаллий ўғитларни сочқич, қишлоқ ҳўжалиги юкларини ташиш учун ярим тиркамалар ўрнатилиб деҳқон-фермер ва яқка ҳўжаликлар учун қулай, ихчам, бежирим техникалар яратилмокда ва улар қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг оғирини энгил, ҳосилини мўл қилишда қўл келмокда.

Шуниси эътиборлики, корхонада экспорт дастурини амалга ошириш учун янги йўналишлардан фойдаланиб, савдо муносабатларининг асосий шакли-савдо уйлари фаолиятини йўлга қўйишга эътибор қаратилган. Туркиянинг Мерсин, Россиянинг Ногинск, Пенза, Хакасия Республикасининг Абакан шаҳарла-

рида савдо уйлари ташкил этилган. Тез орада Қозогистонда ҳам ана шундай савдо уйлари ташкил этиш кўзда тутилмокда.

Корхонада келгусида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, харидоригир, жаҳон андозалари даражасидаги техника воситаларини ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш режаланмокда. 2010 йилгача жамоада пахтачиликда чопиқ ишлари учун керакли бўлган 80 дан 145 тагача от кучига эга бўлган кўп қаторли машиналар моделидаги тракторлар ишлаб чиқаришга эришишга ҳаракат қилишмокда. Шунингдек, 90 сантиметрли қатор оралари бўлган 8 қатор-

ҳам ишлаб чиқаришга эришиш мўлжалланган.

Албатта, ушбу режаларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайдиган. Бунинг учун корхона мутахассислари изланиш ва хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга, мавжуд цехларни замонавий асбоб-ускуналар асосида қайта жиҳозлашга эътибор қаратишди. Шубҳасиз, булар корхона муваффақиятини таъминлашда муҳим ўрин тутайди.

Корхонанинг кейинги йиллардаги муваффақиятлари ҳусусида тўхташганда, яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Ўтган йилнинг апрелида Ростов-Дон шаҳрида бўлиб ўтган «Интерагромаш» халқаро кўرғазмасида «ТТЗ-80-10» универсал ҳайдов трактори юқори ишончлилиги ва қулайлиги учун бешинчи мукофот—кумуш медал ва имтиёзли диплом билан тақдирланди. Ушбу кўрғазма Россия Қишлоқ ҳўжалиги вазирилиги, қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси ва Россия «Экспомаркази» томонидан ташкил қилиниб, унда ҳамдўстлик мамлакатлари трактор ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарини ҳамда «Жон-Дир», «Кейс-Нью Холланд», «Массей Фергюсон» ва бошқа бутун дўнға таникли фирма ва компаниялар ҳам қатнашганлигини айтсак, жамоанинг ютуғи таъкидлашга арзийди.

Мамлакатимиз машинасозлигининг етакчи корхонаси ҳисобланган «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти қишлоқ ҳўжалиги ходимларини энг илгор техникалар билан таъминлаш, уларнинг мўл ҳосил етиштиришларида мададкор бўлишлари учун бунгунги имкониятлардан самарали ва оқилана фойдаланишга интилмокда.

Шарифа ИЛЁСОВА

**• ИҚТИСОДИЁТ**

**ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА**

**«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти ўзининг 61 йиллик тарихига эга бўлиб, малакатимиз машинасозлигининг байроқдорларидан саналади. Бунинг исботи сифатида ўтган йиллар давомида корхонада 631 минг 905 та трактор ва 1 миллион 406 минг тиркама ишлаб чиқарилганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозимдир.**

ли комплекс билан ишлаш учун «ЎзКейсТрактор» қўшма корхонасида МХ 35 туридаги орқа кўприк ярим ўқ гилофисиз олд кўприк вали билан машиналари қувват блоклари негиздаги тракторларни келгуси йилдан корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, пахтачилик тракторлари жамламаларини тайёрлашни маҳаллийлаштириш даражаси 65 фоизга етказилиб, 80-100 та от кучига эга двигателли 4 гилдиракли шопи трактори ҳам ишлаб чиқарилади. 2007 йилда эса узумчилик тракторини

## Сақай

РАССОМЛАРИМИЗНИНГ  
ИЖОДИЙ ЮТУҒИ

Барҳаёт, мумтоз сиймоларнинг жаҳон маданиятида тугган ўрни улкан. Буюк алломалар сиймоси акс этган бадий плакатлар туркумининг чоп этилиши улар фаолиятини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги савъ-ҳаракати билан босма юзини кўрган бу ижод намуналари тасвирий санъатга хос бадийликка эга.

Ўрта аср шарқининг улуғ олимларидан Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний каби буюк боболаримиз сиймолари акс этган плакатлар бугунги ёшлар орасида қизиқиш уйғотмоқда. Шарқ миниатюра мактабининг улкан намоянаси Камолитдин Бехзодга бағишланган плакат ҳам замонаш рассомларимизнинг ижодий ютуғидан далолат бериб турибди.

ЭКОЛОГИЯ  
МАВЗУСИГА  
БАҒИШЛАНДИ

Таниқли шоир ва адиб Раим Фарҳодий ўзининг навбатдаги пьесасини «Рустик — ўзга сайёралик» деб номлади. Унда атроф-муҳит софлиги, ҳавонинг мусаффолигини таъминлаш гоёси қизиқарли саҳналар орқали томошабинларга etkazилди.

Болалар театри томонидан сахналантирилган бу спектакль коинотда озон қатламини асраш мавзусида ўтказилган анжуман иштирокчиларига тақдим қилинди. Айни вақтда «Озон қатламини асрайлик» деган янги кўшиқ ҳам янгради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан уюштирилган бу анжуманда соф экологик ҳудудни яратишнинг қатор муаммолари атрофлича кўриб чиқилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ  
КУТУБХОНАСИ

Бундан ўн йил муқаддам Марказий Осийни тадқиқ қилиш француз институти ўз фаолиятини бошлаган эди. Институт илмий ходимлари миллий тадқиқотчиларни ижтимоий фанларнинг янги тармоқлари билан яқиндан ошно қилиш мақсадига бой адабиётлардан иборат йирик кутубхона ҳам ташкил қилишди.

Кутубхонадаги адабиётлар орасида Марказий Осий республикалари ва бошқа мамлакатлардан сотиб олинган китоблар ҳам анчагина. Бундан ташқари зиё маркази шарқ мамлакатларида чоп этилган нашрларга ҳам эга.

Қадимий ва замонавий илмий асарлар бўйича «Марказий Осий кутубхонаси» деган тўплам тайёрланиб, чоп этилди. Шунингдек, турли газета ва журналлар ҳам бор. «Марказий Осийда тарқалиб кетган кўлэмаларни рўйхатга олиш» деган мавзуда бошланган изланишлар ҳам қўтилган натижаларни бераётди.

Акбар АЛИЕВ

## «ТОШКЕНТ ОПЕН-2003»

ПОЙТАХТДА ЯНА ТЕННИС  
ЮЛДУЗЛАРИ БЕЛЛАШАДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Орадан атиги бир ҳафта ўтар-ўтмас Тошкент яна теннис марказига айланмиш арафасида турибди. Бир неча кун аввал Осий китъаси спортчилари беллашган Тошкент теннис маркази кортларида энди аёллар ўртасида «Тошкент опен» турнирига старт берилди.

WTA — Бутунжаҳон аёллар теннис ассоциациясига кирувчи бу турнир юқори нуфузга эга ва «Тошкент опен»нинг бу йилги мавсуми саккизинчи ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, «Тошкент опен-2000» турнирининг ғолиби Ўзбекистоннинг биринчи ракеткиси ва айни пайтда биринчи юзликдаги энг кучли теннисчилар қаторига кирувчи ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова бўлган. Ўтган турнирларда Германия, Франция, АҚШ, Испания, Италия, Япония каби 20 дан ортиқ давлатларнинг вакиллари иштирок этган бўлса, улар орасида АТР таснифида юқори рейтингга эга бўлган Петра Мандула, Зерра Заретти, Татьяна Панова, Анка Барна, Зедра Нурландер, Анна Смашноваларнинг номи алоҳида ўрин тутади.

Бу йилги «Тошкент опен» турнирида ҳам нуфузли спортчилар иштироки кўпайтирилгани инobatга олиб, ташкилий гуруҳ йиғилишида «Тошшаҳарнур» корхонаси, савдо департаменти, Тошкент халқаро бизнес маркази, Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Тошшаҳарйўловчирас» Давлат уюшмаси, турнирнинг ташкилий масалаларига жалб қилинган бошқа хизматларга тегишли топшириқлар берилди. Тошкент теннис маркази маъмурияти олдида ҳам алоҳида талаб қўйилди, хусусан спортчилар ҳамда хизмат ишларида банд бўладиган хорижий вакилларга халқаро андозаларга яраша шароитлар яратиш лозимлиги яна бир бор уқтириб ўтилди.

Йиғилишда турнирнинг дастлабки жадвали кўриб чиқилди. «Тошкент опен-2003» доирасида меҳмонлар учун концерт дастури, раҳбар аёллар ўртасида вилп-турнир, болалар байрами кўзда тутилган. Турнирнинг асосий тақвимида келсак, келаятган шанба кунини саралаш ўйинлари бошланади. Яқшанбада «Шератон - Тошкент» меҳмонхона мажмуасида ўтказиладиган қуръа ташлаш маросими ва матбуот конференциясида асосий ўйинчилар таркиби аниқланади. «Тошкент опен-2003» турнирининг тантанали очилиш маросими душанба кунини бўлиб ўтади.

Шундай қилиб пойтахтимиз яна бир бор теннис юлдузларини кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ильмира  
ШАРАФУТДИНОВА.

Ўзбекистон Республикасидаги хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, педагогика фанлари доктори, профессор Кумри Абдуллаева бутун умрини ёш авлод тарбиясига, уларга зиё тарқатишдек хайрли ишга бағишлади.

ЗИЁ ТАРҚАТИШГА  
БАҒИШЛАНГАН УМР

У ўзбек алифбе дарслигини яратган биринчи аёл. Олима юзлаб дарсликлар, ўқув дастурлари, ўқитувчилар, ота-оналар учун методик қўлланма, тавсия ва илмий мақолалар муаллифи. Унинг номи нафақат республикамизда, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам маълум ва машҳурдир. У ерда таълим олаётган ўзбек мактаб ўқувчилари, ота-оналар олима яратган дарслик ва қўлланмалардан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Кумри опа ханузгача улардан миннатдорлик ва табрик хатларини олиб туради.

Кумри Абдуллаева қайси ҳудудга бормасин, у ерда юзлаб шогирдлар иззат-хурмат билан кутиб олади. Олиманинг суҳбатларидан баҳраманд бўлади.

Опанинг кўплаб шогирдлари ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназиясида болаларга сабоқ бермоқда.

СУРАТДА: Кумри Абдуллаева гимназия ўқувчилари даврасида. Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат.



## • ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

КЎКРАК НИШОНЛАРИ  
ТОПШИРИЛДИ

Ёшларни эртанги кунимизнинг муносиб издошлари қилиб тарбиялашда «Камолот» ЁИХнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ўқишда, ишда, кенг жамоатчилик юмушларида тенгдошларига намуна бўлаётган ўқувчи-ёшларнинг рағбатлантирилиши бу борада олиб борилаётган ишларда муҳим омил бўлмоқда.

Кунини кеча Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб ўтган катта тантана ҳам ана шундай хайрли мақсад йўлида ўтказилди. Сергели тумани «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ўз тенгқурлари ичидан билими, намунали хулқи, етакчилик қобилияти билан номзоди «Камолот» сардорлигига лойиқ деб топилган бир гуруҳ мактаб ўқувчиларига кўкрак нишонлари топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Бугунги кун ёдингизда сақланиб қолишига ишончим комил, — деди тadbирда сўз олган туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчехра Усмонова. — Чунки сиз ушбу кўтлуг даргоҳда, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Алишер Навоийдек улуғ алломаларимиз аънаналарини давом эттириш, тенгдошларингиз



ва дўстларингиз ўртасида ташкилотнинг мақсад, вазифаларини кенг тушунтириш, ҳамшиша фаол бўлиш каби юксак бурч масъулиятини қабул қилмоқдасиз. Бугунги кунда туман «Камалак» болалар ташкилоти ранг-баранг мавзуларда тadbир-

лар, қизиқарли учрашувлар, «Сиз кунун биласизми?», «Аждодлар мероси ва бой тарихимиз буюклик рамзи» каби кўрик-танловларни, ватанпарварлик йўналишида ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштириб келмоқда. Сиз ҳам Ватанга садоқат ва хурмат, сўз ва иш бирлиги, бурч ва виждон, ғамхўрлик ва меҳрибонлик каби умуминсоний қадриятларга риоя қилган, барчага ўрнатилган ҳолда иш олиб борасиз, деган умиддамиз.

Шундан сўнг тadbир қатнашчиларини Республика «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши раиси Мурод Зуфаров, туман етакчи клуби сардори Шахло Тошевлар қизгин муборакбод этдилар ва ҳамшиша вазифаларини аъло даражада бажаришларига тилак билдирдилар.

Тadbир якунида қатнашчилар Темурийлар тарихи давлат музейи залларини зиёрат қилиб, унда сақланаётган ноёб экспонатлар билан танишдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: Темурийлар тарихи  
Давлат музейида бўлиб ўтган тadbирдан лавҳалар.  
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Хоҳ шонинг, хоҳ...

### УЙ МАВЗОЛЕЙ

Талай мўъжизаларга гувоҳ бўлган оламда яна бир мўъжиза содир бўлди. Хитойнинг Хэбэй вилоятида яшовчи Чжоу Фэнчэн номили 88 ёшли кампир ҳаётдан кўз юмди. Лекин уни кўмишгани йўқ. У уч ярим йил бўлибдики, жасади солинган тобут набирасининг уйида турибди. Унга қарасангиз худди нариги дунёга бир неча дақиқа олдин кетганга ўхшайди. Кампиршонинг ранги кўнгирсимон, кўзлари чирт юмилган, оғзи очиқ — бус-бутун тишлари кўриниб турибди. Териси эса куп-курук чиришининг ҳеч қандай аломатлари йўқ.


«Бувимнинг юраги урушдан 1992 йил 24 ноябрда тўхтади, — деб ҳикоя қилади унинг набираси Ян Сюзань. Икки кеча-кундузгача унинг танаси совумди. Ҳарорати бир меъёрга турди. Мускуллари орасира ҳаракатланиб кўярди. Оила аъзолари охири бир қарорга келдик: бувимни кўмаймиз. Орадан бир ой ўтгач жасадини қишлоққа олиб келдик. Ҳозир ўшандан бери қадрдон уйнинг ётоғида ётибди. Ёзининг 34 даражали иссиғи ҳам, қишининг совуқлари ҳам унга ҳеч қандай зиён етказмади. Бувим худди ухлаб ётганга ўхшайди».

«Кўлбола» мавзолейга бувини зиёрат қилишга келаётган олимларнинг кети узилмайди. Улар бундай гаройиботни шарҳлаб беришга ожизлик қилишмоқда. Фақат «маълумот йиғаялмиз», — дейиш билан кифояланмоқдалар. Чиндан ҳам кампир уйқудами ёки у самоватдан келган вакилмикан? Еки унинг организида бирон-бир мўъжиза бормикан? Буни кампир уйғонсагина аниқлашнинг иложи топилса ажаб эмас. Агар уйқудан уйғонмаса яна битта сир сирлигича қолади.

### БАЛИҚ БОЛА

Германиянинг Рейцленд-Пфальц номили вилояти бор. Айнан шу ерда Шварцен-зее кўли бор. Бу Қора кўл дегани. Унинг соҳилида эса айнан шу номда аталадиган қишлоқ ҳам бор. Энг ажабландарлиги қишлоқдагиларнинг ҳаммаси ажойиб сувзучи. Улар на ревматизм, на бел оғриғидан шикоят қилишади. Кўл суви уларни даволайди. Сабаби кўл тубида торфнинг чириндилари бор экан.

Қишлоқнинг барчани лол қолдирадиган диққатга сазовор кишиси — 14 ёшли Людвиг Кронедир. Бу ўсмир сузиш бўйича мутлақ чемпион деса бўлади. Унинг тенгдошлари сув остида 5-7 дақиқа турса, Людвиг 20 дақиқа тура олади. Кронедан бунинг сабабини сўраганларида у елка қисиб қўя қолади. «Мен, — дейди у, — шунчаки сузман ва шўнғийман, холос». Мабодо атайлаб шўнғийдиган бўлса бу бола худо билсин сувнинг тағида неча кун ўтираркин? Людвигнинг ҳамқишлоқлари у билан чинакам фахрланишади.



## БОҒДА КУЛГИ БАЙРАМИ

Кулги инсон умрини узайтирувчи, маънавий озик берувчи омиллардан саналади. Донишмандларимиз «Кулинг дўстлар, умрингиз узок бўлади» деб бежиз айтишмаган.

Яқинда шахримизнинг сўлим гўшаларидан бири Фафур Фулом номидаги мада-

ният ва истироҳат боғида «Муштум» журналининг 80 йиллиги ҳамда «Афанди» газетасининг 5 йиллик тўйлари муносабати билан катта кулги байрами бўлиб ўтди. Байрам тадбирида таниқли ҳажвчилар, машхур асқиячилар ва қизикчилар, эл севган санъаткорлар, республика театрлари жамоалари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Пре-



## МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ЛОЙИҲАСИ

Пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Анжуман ташкилотчилари АКШнинг USAID ва Урбан институтидир.

— «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларида амалга оширилмоқда, — деди Тошкентдаги Урбан институту мувофиқлаштирувчиси Фаррух Тўраев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Институтимиз шаҳар сиёсати соҳасидаги тадқиқотларга ихтисослашган, бошқарув масалаларига оид ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ўрганиш билан шуғулланади ҳамда халқаро ва давлат ташкилотлари томонидан молияланадиган турли лойиҳаларда иштирок этади. Мазкур лойиҳа институт томонидан тавсия қилинган бўлиб, унинг мақсади фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш, шаҳар бошқаруви жараёнларининг самарадорлиги, масъулиги ва ошқоралигини кучайтиришдан иборат. Шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкати ҳолатини ривожлантиришга қаратилган.

Уларда умумий мулкни бошқариш демократик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Уй-жой — инсон яшashi ҳамда фаолият юритиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бизда азалдан шарқона маданиятга асосланган маҳалларав мавжуд. Шунинининг олган ҳолда мазкур лойиҳанин «Энг яхши уй-жой мулкдорлари ширкати» танлови Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўртасида ўтказилган эди. Танлов якуни бўйича бешта уй-жой мулкдорлар ширкати ғолиб деб топилди ва грантларга сазовор бўлишди.

Анжуманда Словакия уй-жой ширкатлари тажрибаси, уни Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича хорижий соҳа мутахассислари ўз тажрибаларини алмашишди. Лойиҳа эндиликда Самарқанд ва Наманган вилоятларида ҳам амалга оширилади.

«Туркистон-пресс»



зидентининг масъул ходими ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев очиб, барча байрам қатнашчиларини муборакбод этди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов сўзга чиқиб, севимли «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси ижодкорларини қутлаб, келгуси ижодларига муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг «Муштум» журналида кўп йиллар меҳнат қилган фахрийлар қимматбахо совғалар билан тақдирландилар. Шодиёна руҳда ўтган байрам кечасида севимли санъаткорлар Н.Ҳайдаров, С.Мўминов, Э.Р.ўзметов ва бошқалар ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан, таниқли кулги усталари Ҳ.Тожибоев, М.Ҳолмедов, Б.Тошматов, шунингдек Бухородан ташриф буюрган «Афанди» қизикчилар гуруҳи эса ичакузди ҳангома ва асқиялари билан йиғилганлар

қалбига қувонч ва завқ бахш этдилар. Байрам тадбирида «Энг яхши латифа» танлови ўтказилди ва карикатура суратлари кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, ижодкорлар ўртасида шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида мусобақа ва танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Байрам кечаси якунида сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов мана шундай кулги байрамларини ўтказиб туриш, халқимизга оз бўлсада шодлик ва завқ улашиш мақсадида севимли санъаткорларни таъқидлади.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтган кулги байрамидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов ва Қобилжон Ёқубов олган суратлар.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ақмал Икромов туманида 8-оилавий поликлиника шифокорлари билан аҳоли ўртасида учрашув ўтказилди. Унда «Октепа», Шароф Рашидов ва Абдор Хидоятчи номидаги ҳамда «Пахтакор» маҳаллаларининг фаоллари иштирок этишди.

Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш борасида кўплаб дастурлар, қабул қилинмоқда. Айниқса аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, уларга касалликни даволашдан кўра, олдини олиш зарурлигини тушунириш борасида турли амалий ишлар йўлга қўйилмоқда. Инсон саломатлиги олтидан ҳам қиммат, афсуски, биз буни кўпинча соғлигимизни йўқотганимиздан кейин тушуниб етмаймиз. Ҳар доим соғлом турмуш тарзига амал қилиб, вақтида дам олиб, тўғри овқатланишни йўлга қўйсак, бизга дори-дармонларни ҳам кераги бўлмай қолади.

Тадбирда аҳоли орасида тез тарқалувчи юқумли касалликлар, ўткир ичак касалликлари ҳамда болалар касалликлари хусусида сўз борди. Мазкур учрашуви ўтказишдан асосий мақсад маҳалларда тиббий маданиятни ошириш, оилада, фарзандлар тарбиясида шахсий гигиенага аҳамият бериш ва тушуниришдан иборат эди.

## МУСИҚА ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Пойтахтдаги Туркистон саройида Буюк Британиянинг таниқли гуруҳларидан бири «Мерун Таун» жамоаси ўзбекистонлик мусиқа шайдолари эътиборига ўз қўшиқ ва куйларини ҳавола этди.

— «Мерун Таун» гуруҳи етти кишидан иборат бўлиб, унда турли йўналишларда ижод қилувчи профессионал мусиқачилар фаолият юритади, — деди гуруҳ гитарачиси Дуэн Герман. — Бизга маълумки, XVIII асрда Британия ва испанияликлар Африкани босиб олиб, кулдорлик билан шуғулланишган. Шу сабаб ҳам кўпгина африкаликлар тоғли худудларга қочиб, бир-бирларини қўллаб-қувватловчи жамиятлар ташкил этишган. Бу жамият аъзоларини мерунлар деб аташган. Гуруҳини «Мерун таун» деб номланиши, айнан халқлар орасидаги дўстликни таранум этиш демакдир. Биз ҳар бир чиқишимизни ўзига хос шоуга айлантиришга ҳаракат қиламиз.

Мазкур гуруҳ мамлакатимизда ҳам ўз ихлосмандларини топди. Тошкент ва Самарқанд шаҳрида ўтказилган концерт дастурлари бунга мисол бўлади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлур...

● Спиртли ичимлик истеъмол қилиш билан ақлий ва жисмоний қобилиятни ошириш мумкин, деган нодонликдан туғилган фикр-ни ичкиликни кўп ичадиганларнинг ўзлари тўқиб чиқарган. Ичкиликбозларда ақл кучи гоаят заифлашади, бора-бора улар ёлгон гапирадиган бўлиб қоладилар. Бу борада А.Санойининг куйдаги ибратли сўзларини эслаб ўтиш жоиздир.

**Мастлик қилмайди доно, май ичмас оқил одам, Ақл эгаси мастликка қўймайди оғси бир дам.**

● Фарзандларимиз — келажакимиз. Бу сўз бежиз айтилмаган. Болаларимизнинг қандай бўлиб етишиши келажак тақдирини белгилайди. Қолаверса, бўлғуси авлодни, насл-насабини ўйлаган киши мутлақо ичкиликни озгига олмаслиги керак. Ана шунда тарбия ҳам ўз ўрнига тушади, ёш авлод соғлом ва бақувват бўлиб ўсади.

● Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

● Бадантарбия ва ножўя ишлардан ўзини тийиш туфайли кўп одам табобатга муҳтожлик сезмайди.

● Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шарты асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадантарбия билан шуғулланиш лозим.

● Ақлий қобилиятларни иложи борича кўпроқ сақлаб қолиш ва тўла-тўқис ҳаёт кечиришни хоҳлаган одамлар турмуш тарзини тўғри ташкил қилишлари ва гигиена қоидаларига тўла риоя этишлари лозим.

**Ривоят:**  
Бир подшоҳ қабзиятга йўлиқиб, таҳорат олишга жуда қийналибди. "Ким мени бу касалликдан қутқарса салтанатимни ўшанга бераман", дер экан. Бу сўзни эшитган Оллоҳнинг сеvimли қўлларидан бири подшоҳ олдиға келиб, унинг қорнини силабди. Подшоҳ шифо топдиби.

**Подшоҳ:** "Бу тахтга ўтир, бутун салтанатинг сенга", дебди.

**Ул одам:** "Йўқ, сен ўз макомингда ўтир, фақат унинг қийматини, ҳақдини бил. Бу дунёнинг зарра қадри-қиймати йўқ. Бир кўза сув каби тугайди. Агар уни ича олмасанг, саломатлигингни берасан, ичиб чиқара олмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир кўза сув каbidир", деб айтибди.

**Байт:**  
**Сихат тиласанг кўп ема, Иззат тиласанг кўп дема.**

● Қирқ ёш — ёшликнинг интихоси, эллик ёш — қарлик ибтидоси.

● Кексайганини одам қачон сезади, буну у орау-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганида ҳис қилади.

● Ҳаққий ҳаёт эллик ёшдан бошланади.

● Бу ёшда одам чоқаларига пишиб-етилади. Бинақаларга ўрناк олса арузиғлик хислатларга эга бўлади. Бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етади.

Тошкент шаҳар доқимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**"Севимли шахрим" акцияси доирасида "Дилимдасан-пойтахтим" энг яхши эстрада кўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади**

**Кўрик-танлов шартлари:**  
Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;  
Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;  
Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;  
Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (мини-диск, CD) ёзилиши керак.  
Тақлифлар 1 октябргача қабул қилинади.

**Энг яхши кўшиқ танловини ҳаққонлар ва радиолуқчилар томонидан аниқланади.**

www.tashkentkamolot.uz  
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14  
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

**• САНЪАТ ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛДИ**

**Истиқлол туфайли барча соҳалардаги каби санъатимизда ҳам эркин ижод қилиш, янги-янги ташаббусларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Кун кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида Тўхтасин Жалилов номидagi Давлат академик ўзбек халқ чолғулари оркестрининг 65-мавсумини очилишига бағишланган концерти бўлиб ўтди.**

Концертда инглиз хонандаси Александр Моррисон қатнашиб, Фарбий Европа мумтоз бастакорларининг таълиқли операларидан арияларни меъёрига етказиб куйлаб, кўшиқ шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди.

— Ўзбек миллий чолғулари оркестри билан биринчи марта куйлашим, ўзбек чолғуларининг ёқимли овози, чолғучиларнинг юқори савиядаги ижрочилиқ маҳоратлари мени лол қолдирди.— дейди биз билан сўхбатда Александр Моррисон. Концертда шунингдек, Ҳилола

Ҳамидова ўзбек бастакорларидан Тўлқин Қурбонов қайта ишлаган Оғаҳий газали билан айтилаётган «Феруз—1», Сайфи Жалилнинг «Эй ёр, хуш келибсиз» кўшиқларини ижро этиб, ўзининг юксак хонандалиқ маҳоратини намойиш этди. Шунингдек, Алишер Навоий номидagi Давлат Академик Катта театрининг етакчи хонандаси Нормўмин Султоновнинг ижро маҳоратини томошабинлар гулдурдоқ қарсақлар билан олқишладилар. Шу билан бирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шукрулло Аҳмаджонов ва Республика кўрик-

танлови ғолиби Ботир Дусимбетовларнинг ўзбек миллий сози найда оркестр жўрлигида ижро этган куйларга мусиқа шинавандаларига манзур бўлди. Концертда шунингдек, А.Бородин, П.Чайковский, О.Ризаев, М.Тожиёв ва бошқа бастакорларнинг асарлари ҳам оркестр томонидан зўр маҳорат билан ижро этилди.

Бу муваффақиятларнинг барчасида оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёр Ўзбекистон халқ артисти, профессор Форух Содиқовнинг хизматлари катта алаб-та. Ана шу ўтган давр мобайнида ахл жамоа билан бирга Ф.Содиқов оркестрни зарбардас ва мустаҳкам, тақроланмас ижро маҳоратига эга бўлган етакчи мусиқа жамоларидан бирига айлантиришга эришди. Мустақиллик шарофати билан оркестр жамоаси ўзининг ижрочилик маҳорати ва концертларининг савияси натижасига кўра «Академик оркестр» унвонига сазовор бўлди.

**Рустам ХўЖАЕВ, доцент.**

**• ҲАМКОРЛИК ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ**

**Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси тақлифи билан америкалик адабиётшунос олим, Вашингтон университетининг профессори Марк Рис Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Ушбу сафар чоғида америкалик олим атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий ижоди билан кизиқиб танишди.**

Унда адабнинг машҳур «Ўтган кунлар» романини инглиз тилига таржима қилиш истаги туғилди. Профессор Марк Рис бу хайрли ишга дадил киришди. Таржима жараёни билан боғлиқ ишларни амалга ошириш мақсадида адабиётшунос «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ходими

Муқаддас Дўстматова билан бамаслаҳат иштутди. Уйлаймизки, вақти келиб ўзбек адабиётининг дурдона асарини инглиз тилида сўзлашувчилар ҳам ўқиб, олам-олам баҳра олишади.

**Аҳмад АБОСОВ.**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

<p>Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз хисобига ундириллиқ учун хатлининг банд солиingan кўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади.</p> <p>1. "Иж-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;</p> <p>2. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм;</p> <p>3. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 494, бошланғич нархи 8 020 600 сўм, техник соз;</p> <p>4. "Остен Ровер Монтего" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз;</p> <p>5. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;</p> <p>6. "Нексия GLE" автомобили,</p>	<p>1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 210, бошланғич нархи 4 300 654 сўм, техник носоз;</p> <p>7. "Дамас"- автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 238, бошланғич нархи 1 529 222 сўм, техник носоз;</p> <p>8. "Шевролет-Астро" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЖ 406, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, техник носоз;</p> <p>9. "Москвич-412" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 3 23-14 ТН, бошланғич нархи 70 000 сўм, техник носоз;</p> <p>10. "ГАЗ-5201" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;</p> <p>11. "ГАЗ-52" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;</p> <p>12. "Газ-52" автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;</p> <p>13. "ГАЗ-52" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;</p> <p>14. "Газ-53" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300</p>	<p>000 сўм, техник носоз;</p> <p>15. "Газ-5204" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;</p> <p>16. "Авиа-А-31" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;</p> <p>17. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм;</p> <p>18. "Камаз-432500" юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;</p> <p>19. "КАМАЗ-5410" юк автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14 Г 50-25, бошланғич нархи 3 500 000 сўм, техник носоз;</p> <p>20. "ЦПГ-312" ярим тиркамаси, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15 В 547, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;</p> <p>21. "МАЗ-5549" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 82-49 ТШ бошланғич нархи 310 000 сўм, техник носоз;</p> <p>22. "Зил-ММЗ-34502" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич</p>	<p>нархи 550 000 сўм, техник носоз;</p> <p>23. "Зил-431410" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 656, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;</p> <p>24. "Краз-250" автокрани, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 655, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;</p> <p>25. "УАЗ-31512" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами АТ 045, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;</p> <p>26. "Опел-вектра" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;</p>
--	--	---	--

**ҲОЙДАЛИ УЧАШУВ**

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Хитой Халқ Республикаси Го Можо уй-музеи директори Го Пиньин хоним билан учрашув ўтказилди. Учрашувда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, "Ўзбекистон-Хитой" дўстлик жамиятининг аъзолари ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси мутасаддилари иштирок этишди.

Учрашувни ўтказишдан мақсад хорижий аёллар шўъбаси фаолиятини янада ривожлантириш, дунё хотин-қизларини Ўзбекистонга яқинлаштириш, шу орқали ўзбек халқи маданияти, санъати, урф-одати, қадимий ва миллий маросимларини чет эл жамоалирига танитиш ва хорижий дўгонлар сафини кенгайтиришдан иборат эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Дўстлик жамиятлари кенгаши ва "Ўзбекистон-Хитой" дўстлик жамияти Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда кўпгина делегация алмашинувларини ташкил этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги элчилик алоқалари ўрнатилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан ХХРдан Исмоил АИЛ бошчилигидаги вакиллар, ХХР миллатлараро давлат кўмитаси раисининг ўринбосари Ли Цзиньё бошчилигидаги вакиллар, Урумчи шаҳридан келган ёш адабиётшунос олим Фикрат Хурматжон билан учрашув ва ХХР ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин жанобларининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда.

Ўтказилган тадбир ўз мақсад-моҳиятига кўра, кенг маънога эга бўлиб, унда Ўзбекистон-Хитой дўстлик алоқаларининг маданий соҳасидаги ривожига ҳисса қўшаётган Го Пиньин хонимнинг сўхбатидан баҳраманд бўлинди. Го Пиньин ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва Мухтор элчиси Чжан Чжиминнинг рафиқаси бўлиши билан бир қаторда атоқли хитой шоири Го Мохонинг фарзанди ва шоир уй-музейининг директори ҳисобланади.

Кеча сўнгда меҳмонлар шарафига ўзбек миллий куй, рақс ва кўшиқлари ижро этилди.

**"Туркитон-пресс"**

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси 2003 йил 3 октябрга соат 15-00 да, 4 октябрь кун соат 12-00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмонов Юсупов кўчаси 3-уй 2-кават.

Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

**Спорт**

**Талабалар — голибликка даъвогар**

Пойтахтимизда еттинчи мартаба аънавий гандбол бўйича Мустақиллик Кубоги мусобақалари бошланди. Унда саккиз жамоа голиблик учун кураш олиб боради. Мутахассислару мухлисларнинг фикрига кўра Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг гандболчилари голибликка асосий даъвогардирлар.

**Пойтахтлик тазквандочилар — иккинчи**

Қарши шаҳридаги «Меҳнат» теннис кортида тазквандо бўйича ташкиллаштирилган турнир Истиклолнинг 12 йиллигига бағишланди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган 150 нафар тазквандочилар иштирокидаги беллашувлар мухлисларда катта таассурот қолдирди. Мурасасиз ва қизиқарли кечган бахслар якунида биринчи ўринга Қарши шаҳар тазквандочилари лойиқ деб топилган бўлса, пойтахтлик спортчиларга иккинчи ўрин насиб этди. Живазлик ва бухорлик спортчилар эса учинчи ўринлар билан кифояланишди. Голиб ва совриндорларга совринлар ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

**Италиядан хушxabар**

Италиянинг Марака шаҳрида теннис бўйича ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган ҳалқаро турнир мамлакатимиз вакили Фаррух Дўстов учун омад келтирди. Ушбу нуфузли мусобақага жиддий тайёргарлик кўрган Фаррух барча рақибларини кетма-кет мағлуб эта олди, финалда эса италиялик тенгдошини 6/3, 6/3 ҳисобида енгиб турнир голиблигини қўлга киритди. (Ўз мухбиримиз).

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси доимий ишлаш учун 4-5 разрядли газэлектрпайвандловчиларни (иш ҳақи ойига 54 720-59 840 сўм) ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатувчи, уларни таъмирловчи чилангарларни (иш ҳақи ойига 49 720-59 840 сўм) ишга қабул қилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент-700000, А.Толстой кўчаси, 3а-ўй (Бошпочтамент рўпарасида).**

**САЪДИ МАҲСУМ**

Қотмадан келган, зийрак, хушчақчақ Саъди Маҳсум қизиқчилик ва аския пайровларида сўз ўйинларига жиддий эътибор берарди. У театрлашган қизиқчиликлар ўтказгани учун шогирдлари кўп эди. Устози Зокиргов (Зокир эшон Рустам Меҳтар ўғли) дан қизиқчилик ва аския сирларини ўрганиш мақсадида Қўқон шаҳрига тез-тез бориб турарди, ҳатто, шогирдларини ҳам бирга олиб бориб, хон саройида уларни имтиҳондан ўтказиб келарди.

Саъди Маҳсум 1809 йили қосиб оиласида дунёга келган. У бир куни атласфурушлар маҳалласида бўлаётган Маматбек мингбошининг тўйида Зокиргов бошчилигидаги қизиқчи ва аскиячиларнинг чиқишларини кўриб, улар сафига қўшилишни ният қилади. Пайтини топиб, Зокиргов олдига келиб, мени шогирдликка олсангиз, дея илтимос қилади. Шунда Зокиргов унинг Қўқонга бориб, ўша ерда машқларда қатнашишга таклиф этади. Эртасигаёқ ёш Саъдулла Қўқонга бориб, Зокирговга учрайди. Бу ерда у Азиз ҳожи, Мулла Ҳошим, Бойбува кўса, Шомад қизиқ ва Нурмат, Башир, Ашир қизиқлар билан машқларда қатнашиб, «Бола ўқитиш», «Бедона ўйини» каби ҳазил-хузул томошаларда қатнаша бошлади. Кейинчалик, Марғилонга келиб, ўзининг мустақил гуруҳини тузади. У бошламасига шогирди Абдуазиз қизиқ билан бир пардали «Обжувоз» оғзаки комедиясини сайри бода сахналаштириб, кулги шинавандалари эътиборига сазовор бўлади. Шундан сўнг Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқлар ҳам Саъди Маҳсум гуруҳига қўшилидилар. 1889 йили саксон ёшида Саъди Маҳсум вафот этади.

Қуйида Саъди Маҳсум тўғрисида латифа ва унинг «Хитойлик табибдан ўрганиш» томошаси ҳамда латифалик латифаси билан танишинг.

**УСТОЗ ВА ШОГИРД**

Кунлардан бир куни Юсуфжон қизиқ тошлоқдан яёв келаётганида от минган Саъди Маҳсумга дуч келибди.

—Ие, яёв қолибсиз-ку, Юсуфжон,— дея отига мингаштириб олибди Саъди Маҳсум. Шунда йўл-йўлакай учраган одамлар кулишаверибди.

—Нега одамлар бизга кулишяпти?— сўрабди устоз орақда мингашиб ўтирган шогирдидан.

—Кечаги «Обжувоз» томошасини эс-

лашаётгандир—да!

—Йўқ,— дебди Саъди Маҳсум шогирдига, бу ерда бир сир борга ўхшайди. Юсуфжон қизиқ бурнини беркийтиб, учраган йўловчига Саъди Маҳсумни кўрсатиб, қўли билан елпиниб борарди. Сабаби, устозининг лақаби «Сассиқ» эди.

**ХИТОЙЛИК ТАБИБДАН ЎРГАНИШ**

(Хитойлик табиб ролида Саъди Маҳсум)

Юсуфжон қизиқ— Меҳмон, шунча олис жойдан келгансиз, маслаҳатларингизни олиб қолайлик, бизга ҳам асқотиб қолар.

Саъди Маҳсум— Бемалол, сўранг, билганларимни айтаман.

**АСКИЯ ЧИЛАР ТАРИХИДА**

Юсуфжон қизиқ— Хотин, болалари билан гижиллашавериб, валдираш касалигига йўлиққанларга қандай муолажани тавсия этасиз?

Саъди Маҳсум— Яп-янги жуволдиз билан оғзини тикиб қўясиз, вассалом.

Юсуфжон қизиқ— Чордеворлар орасида жин чалиб кетганга-чи?

Саъди Маҳсум— Битта семиз қора хўрозни сўйиб, қон чиқариш керак.

Юсуфжон қизиқ— Чакалакзорда дев-нев урганга-чи?

Саъди Маҳсум— Катта қўчор сўйиш керак, яна хўроз сўйиб юрманг, унга тавсир этмайди.

Юсуфжон қизиқ— Нафси бузуқ тўйда бўкиб қолса-чи?

Саъди Маҳсум— Агар қорни ёрилиб кетмаган бўлса, оёғини осмонга қилиб осиб қўйинг. Борди-ю, қорни ёрилган бўлса, гўрковга хабар беринг.

Юсуфжон қизиқ— Борди-ю бир қўли эгри ўғри касал бўлса-чи?

Саъди Маҳсум— Дарров қозига олиб бориб, қўлини кестириш зарур, акс ҳолда касаллик иккинчи қўлига ҳам ўтади.

Юсуфжон қизиқ— Бирор еб тўймасга кинна кирса-чи?

Саъди Маҳсум— Бу осон, киннақашнинг қосасидаги қулдан ялатилади.

Юсуфжон қизиқ— Маҳалламизда бир-иккита фолбинлар бор, улардан

бири оғриб қолса-чи?

Саъди Маҳсум— Тезлик билан оғзинг қани деса, қулогини кўрсатадиган бир оми одамни топиб келиб, ўша касал фолбинга рўбарў қилин!

Юсуфжон қизиқ— Бозорда тош-тарозидан урувчининг қорни оғривса-чи?

Саъди Маҳсум— Вақт ўтказмай, қадоқ тош билан қоринини силаб, кинна солса терлаб, шифо толади.

Юсуфжон қизиқ— Меҳмон, маслаҳатингиз учун катта раҳмат!

**ПАҲЗАЛИК АСКИЯ**

(Рози-ризолик пайрови)

Кунлардан бир куни нотаниш одам Юсуфжон қизиқнинг эшигини тақиллатиб, унга нохуш ҳолда деди :

— Устозингиз Саъди Маҳсум оғир аҳволда ётибдилар.

— Албатта бораман,— дея Юсуфжон қизиқ апил-тапил кийиниб, устозиникига боради—да, ундан ҳол-аҳвол сўрайди:

Юсуфжон қизиқ— Уста, айтириб юборган экансиз, чивин чақиб, тобингиз қочибди, деб эшитдим, яхшимисиз?

Саъди Маҳсум— Мени ЧАҚҚАН ЧИВИН бу дунёниқ эмас экан, рози-ризолик сўрашай дедим—да!

Юсуфжон қизиқ— Юрагимизни АЛАМЗАДА қилиб кетгандан кўра, бошида келмасангиз ҳам бўларкан-а!

Саъди Маҳсум— Ушанда ўзимнинг ҳам оёғим тортмаганди-ю, ҳол-жонимга қўймасдан дадамлар олиб келдилар—да!

Юсуфжон қизиқ— Тўшақда узоқ ётдингиз, ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизда ҳам ўлим бор, бирор олдин, бирор кейин. Сиз кетиб, биз қолмаймиз, биз ҳам бир куни борамиз. Агар вақтироқ борсангиз биздан олдин ўтган қизиқчилар — Зокиргов, Матҳолик қизиқ, Сиддик Ҳожиларга салом айтинг.

Саъди Маҳсум— Қани, аввал бориб кўрай-чи, мабодо каттароқ тўй-пўй бўлса хат юбораман, кечикмай тезроқ бориңлар... Томоғим қақраб кетди, бир пиёла сув.

Юсуф қизиқ— Сабр қилинг уста, ҳозир бир зумда олиб келаман! — деб, Юсуфжон қизиқ ташқарига чиқиб, совуқ чой келтирса, устоз оламдан ўтган экан. Қизиги шундаки, бундан илгари Зокиргов, Матҳолик қизиқ, Сиддик Ҳожилар ҳам худди Саъди Маҳсумдек лаҳзалик аския айтиб, қулиб туриб, жон таслим этган эканлар!

**Олим КЎЧҚОРБЕКОВ тайёрлаган.**

**Ҳандалар**

Она шўхлик қилаётган ўғлига танбех берди:

— Аҳмаджон, миямни ачитиб юбординг, жим ўтир!

Ўғил парво қилмай шўхликни авжига чиқарди.

— Аҳмаджон, намунча қитмирлик қиласан, ичингда қуртинг борми?

Аҳмаджон шишган лунжини қўли билан кўрсатиб деди:

— Йўқ, ойижон, оғзимда қуртим бор.

Хотинини турғуқонага жўнатган ота тўнги қизчасининг «янги меҳмон»га муносабатини билиш мақсадида унга деди:

— Яқинда лайлак уйимизга чақалоқ ташлаб кетади.

— Вой қандай яхши. Лекин адажон, бу гапни оймимга зинҳор айта кўрманг.

— Нега?

— Ҳомиладор аёлнинг бундай даҳшатли гапларни эшитиши унинг соғлигига зарар қилади.

Бошланғич синфда ўқийдиган икки қизалоқ мактабдан қайтар экан, бири иккинчисидан сўради:

— Кеннойинг кетиб қолдиларми?

— Ҳа.

— Нега?

— Акам кетказиб юбордилар.

— Нима сабабдан?

— Кеннойим «Қўча ҳаракати» қоидасини билмас эканлар.

— Қап-катта одам-а?

— Ҳа катта оймимнинг айтишларига қараганда кеннойим «ёмон йўлдан» юрар эканлар.

Ўқитувчи биринчи синф ўқувчиларига Турсунбойни мактабда:

— Орангизда биринчи соатга кечики келувчилар жуда кўпайиб кетди. Синфдошингиз Турсунбойдан ўрнак олинг. У ҳар куни дарсга ярим соат вақтли келади. Турсунбой дўстарларингга вақтли келишингни айтиб бер.

— Чунки мен вақтидан икки ой олдин, яъни етти ойлик туғилганман.



Қандай қилиб ёнғин чикди, айтиб берсангиз? **Абдурасул Ҳақимов чизган расм**



**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (5712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босма таъриф объект усулида босилди.  
3663 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақилланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқонаси.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.